



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 106 (12.417)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тўқимачилик саноатини мамлакатимиз иқтисодиётининг истиқболли тармоқларидан бири сифатида янада ривожлантириш соҳага илғор технологияларни мунтазам жорий қилиш, замонавий ускуналарни қўллаш ва сифатли материаллардан фойдаланишни талаб этмоқда.



ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Замонавий ускуналардан фойдаланиш, тўқимачилик маҳсулотларининг сифати, тўқимачилик саноати ва умуман, иқтисодиётимизнинг ривожланиш даражасини белгилловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган компания ва корхоналарни янада модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, ишлаб чиқаришга илғор илм-фан ютуқлари ва истиқболли инновация технологияларини жалб қилиш учун 2010 йил 15 декабрда Президентимиз Ислон Каримовнинг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Экс-

порт салоҳиятини барқарор ривожлантириш, экспортга мўлжалланган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш қарорда қайд этилган муҳим йўналишлардандир.

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида жойлашган «Кортесокс» масъулияти чекланган жамияти шундай йўналишда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналардан бири ҳисобланади. У пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, ўз маҳсулотларини маҳаллий бозорга етказиб бермоқда ва экспорт қилмоқда. Жорий йилда корхона ишлаб чиқаришда янги хомашё – бамбукдан фойдалана бошлади. Ушбу юқори технологик материал нанотехнологиялардан фойдаланган ҳолда, бамбукнинг юмшоқ қисми ва танасидан олинади.

– Уч йиллик фаолиятимиз давомида янги турдаги пайпоқлар ишлаб чиқариш, улар билан улгуржи савдо қилиш бўйича катта тажриба тўпланди, – дейди «Кортесокс» масъулияти чекланган жамияти бош директори Олег Горбунов. – Айни пайтда 1500 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз. Мутахассисларимиз, эришилган натижаларга қарамай, мунтазам равишда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқиш, янги материалларни синаб кўриш, уларни фойдаланаётган материаллар билан таққослаш ишларини бажармоқда. Ишлаб чиқариш тўрт – замонавий ускуналар билан жиҳозланган тўқиш, тикиш, қолиплаш ва упаковка қилиш цехларида амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманидаги «Лочин» соғломлаштириш оромгоҳида «Камалак» болалар ташкилотининг анъанавий анжумани ҳамда «Камалак» билимдонлари республика танловининг финал босқичи бўлиб ўтди. Тадбир доирасида «Камалак» фаоллари учун оммавий тахдидлар ва ёшлар маънавияти, интернетдан фойдаланиш маданияти ва ахборот хавфсизлиги, саломатлик қоидалари, болалар журналистикаси каби мавзуларда машғулотлар, «Заковат» интеллектуал ўйини, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ташкил этилди.

● Андижон санъат коллежида вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Андижон шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳудудий кенгаши ҳамкорлигида «Коллеждан – корхонага» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Иш берувчи ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, коллеж битирувчилари, уларнинг ота-оналари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда битирувчиларни уч томонлама шартнома асосида ишга жойлаштириш, бу борада олиб борилаётган кенг қўламли ишлар хусусида сўз юритилди.

● Нукусда «Адабиётга эътибор – келажакка, маънавиятга эътибор» шиори остида китоб байрами ўтказилди. Байрам Оролбўйидаги нашриётлар, матбаа корхоналари томонидан chop этилган адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китоблар кўргазмаси билан бошланди. Ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарининг қорақалпоқ тилига таржима қилинган нусхалари ҳам китобхонлар эътиборига ҳавола қилинган.

● Андижон вилояти Пахтаобод туманида Обод турмуш йилига бағишланган «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори остида дўстлик фестивали ҳамда «Обод турмуш шаклланишида миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Исландия ҳукумати Европа Иттифоқи аъзо бўлиш борасидаги музокара-ларни тўхтатиб, шу масалани ҳал қилиш учун референдум ўтказишга қарор қилди. Гап шундаки, Европа Иттифоқининг кейинги пайтлардаги огир иқтисодий аҳволи исландияликларни ўйлантириб қўйган.

● Германияда ўтказилган кимошди савдосида Apple компанияси томонидан ишлаб чиқарилган илк компьютерлардан бири рекорд даражадаги қиммат нарҳга – 668 минг долларга сотилди.

● АҚШлик машҳур хонанда ва актриса Женифер Лопес ўзининг уяли алоқа компаниясини очишга қарор қилди. Компания «Viva Mov!» номи остида фаолият юритади. Тизим орқали АҚШда энг йирик телекоммуникация компанияси ҳисобланмиш «Verizon» шартномалари сотиладди. Лопеснинг ўзи компаниянинг креатив директори сифатида иш юритади.

● Япониялик 80 ёшли альпинист Юнито Мура қисқа муддат ичида Эверест чўққисини забт этди. Унга ўғли Гото ва тажрибали йўл кўрсатувчи ҳамроҳлик қилди. Кексалиги ва нуқулай об-ҳаво шароитига қарамай, Мура бир ҳафта давомида 8848 метрлик чўққига кўтарилди. Шу тариқа у ушбу чўққини забт этган дунёдаги энг кекса кишига айланди.

● Бельгия қироли Альберт II мамлакатнинг миллий байрами куни – 21 июлда тўнғич ўғли шахзода Филипп фойдасига тахтдан воз кечишни режалаштирмоқда. Таъкидлаш жоизки, Альберт II Бельгиялик 1934 йилда туғилган бўлиб, 1993 йилдан буён Бельгия тахтини бошқариб келади.

ХАЛҚИМИЗ ЭРИШАЁТГАН УЛКАН ЮТУҚЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОНИ

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукамал, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армия барпо этилгани мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли қалолатига айланди. Бу, аввало, ҳарбий билим, маҳорат, кўникма ва малакага, юксак маънавий-руҳий тайёргарликка, бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга ҳарбий кадрлар тайёрлаш ишлари тубдан такомиллаштирилаётгани самарасидир.

Бир мисол: 1990 йилда миллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этарди. Республикамиздаги мавжуд Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик, Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик (ўша даврда Тошкент олий танк кўмондонлик билим юрти), Самарканд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрларида бор-йўғи уч мутахассислик бўйича бармоқ билан санарли миллий офицер кадрлар тайёрланарди. Бу, табиийки, Қуролли Кучларнинг нафақат офицер кадрларга, ҳатто ҳарбий мутахассисликларга бўлган талабини ҳам таъминлай олмасди.

Президентимиз ташаббуси билан мустақилликнинг илк кунларидан ҳарбий таълим соҳасини профессионализм ва миллий истиқлол гоёлари асосида тубдан қайта ташкил этиш-

га киришилди. Қуролли Кучларимизни ҳар қандай хавф-хатарни чуқур таҳлил қилишга қодир, тезкор қарорлар қабул қила оладиган, замонавий билим ва тафаккурга эга, юксак маънавиятли офицер кадрлар билан тўлдириш тизимини тубдан ислоҳ этилгани мустақилликни асраб қолш ва мустаҳкамлашга йўналтирилгани билан тарихий аҳамият касб этди.

Дунёдаги айрим давлатлар катта маблағ эвазига четдан ёлланган ҳарбийларга таянишни маъқул кўрган бир пайтда Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида ҳарбий таълимни ривожлантиришга, миллий армиямиз сафларини миллилати, тили ва динидан қатъи назар, юртимиз сувиини ичиб, тузини тати-дан, серкуёш заминимизда тарбия топган, вояга етган маҳаллий йигитлар билан кенгайтиришга катта эътибор қаратилди.

Шу мақсадда 1993 йилда алоқачилар тайёрлайдиган Тошкент ахборот технологиялари университетининг Махсус факультети, 1994 йилда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, 1995 йилда Олий кўмондонлик таркиби офицерларини тайёрлаш мақсадида Марказий Осиёда ягона Қуролли Кучлар академияси, 2012 йилда Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети ташкил этилди. Олий ҳарбий таълим муассасалари кўп тармоқли таълим масканларига айлантирилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларида Қуролли Кучларимиз учун радиокоммуникация, телекоммуникация тизимлари, ахборот хавфсизлиги ва ахборот технологиялари, радиоэлектрон разведка ва кураш, артиллерия, муҳандислик қўшинлари, кимёвий қўшинлар, танк қўшинлари, ҳаво-десант қўшинлари, зенит-ракет қўшинлари, мотўқчи ва чегара қўшинлари, қўшинлар разведкаси каби 30 га яқин йўналиш бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрланмоқда. Бу йил терроризмга қарши кураш, махсус операция кучлари факультетлари ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

2013 йил — Обод турмуш йили

ДОЛЗАРБ ЛОЙИҲАЛАРГА АМАЛИЙ КЎМАК

Мазкур комиссия аъзолари, сенаторлар, депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, журналистлар иштирок этган йиғилишда жорий йилда эълон қилинган танловлар атрофлича муҳокама этилди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов ва бошқалар жамоат ташкилотлари фаолиятини ўзгартириш, таҳлил этиш, уларнинг долзарб, илғор, ижтимоий аҳамиятга молик гоё ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашда ёрдамлашиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида эълон қилинган танлов халқимизнинг ҳаёт фаровонлигини янада ошириш, бандлиқни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг турли қатламларига аниқ ва манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатишга оид лойиҳаларни молиялаштиришни

кўзда тутди. Ушбу танловга 193 нодавлат нотижорат ташкилоти ва медиа тузилмадан 230 лойиҳа-ариза тақдим этилган. Парламент комиссияси томонидан 60 лойиҳага грантлар ажратилди.

Иккинчи танлов эса мустақил оммавий ахборот воситаларини янада мустаҳкамлаш, қонунлар, давлат дастурларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, барча жабҳадаги ислохотларнинг очик-ошкоралигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва билимини юксалтиришга қаратилган. Ушбу танловга 108 оммавий ахборот воситасидан 132 лойиҳа-ариза тушган. Парламент комиссияси қарорига биноан 40 лойиҳа молиялаштирилмаган бўлди.

Навбатдаги танловлар шаҳарлар, маҳаллалар, кўчаларни ободонлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ёшларда қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш, уларнинг илмий-техник, ижодий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга оид лойиҳаларни ҳаётга жорий этишни кўзда тутди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидаги бирлашган

техника мактабида «Болаларни химоя қилиш куни»га бағишлаб «Хар бир фарзандга меҳр ва эътибор» шиори остида тадбир ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий

матбуот марказида «Болаларни сифатли соғломлаштириш имкониятларини янада кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** «Тенгдош» маданият уйида бадиий хаваскорлик жамоалари иштирокида «Обод турмуш йили»га бағишлаб «Ободлик оиладан бошланади» деб номланган адабий кеча ўтказилади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Харбий таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари ва симуляция воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Уларнинг харбий мутахассис сифатидаги маҳорати, билим, кўника ва малакасини ҳамда маънавий-руҳий тайёргарлигини юксалтириш ишлари уйғун ҳолда олиб берилмоқда.

Мазкур олий харбий таълим муассасаларига ўқишга Ўзбекистон Республикасининг 17-21 ёшли фуқаролари ҳамда харбий таълим муассасаларида ўқиш истагини билдирган, офицерлар таркиби харбий унвонига эга бўлмаган 18-25 ёшли харбий хизматчилар қабул қилинади. Абитурентлар тиббий кўрик, касбий-руҳий ва жисмоний тайёргарлик бўйича қатор имтиҳонлардан ўтади.

Бу жараёнда қатор имтиёзлар ҳам белгиланган. Хусусан, муддатли харбий хизмат даврида ўзини ҳар томонлама кўрсатган ва ўрнатилган шаклдаги тавсияномага эга фуқароларга тест синовларида тўлғаниши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи, 5 йил сержантлар таркиби лавозимларида бевуқсон хизмат қилган харбий хизматчиларга 20 фоизи, харбий академик лицейлар битирувчиларига эса 10 фоизи миқдорида қўшимча балл берилади.

«Энг илғор сержант» танловининг республика босқичи ғолиблари, тегишли вазирлик ёки идора томонидан белгиланган танловдан (яқиний тиббий текширув, руҳий танлов, жисмоний тайёргарлик синов ва ҳ.к.) муваффақиятли ўтган республика ва халқаро фан олимпиадалари ғолиблари ўқишга тест синовларисиз қабул қилинади. Олий харбий таълим муассасаларига киришда зиммасига юклатилган хизмат вазифаларини бажариш вақтида халок бўлган харбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза

қилиш органлари ходимларининг фарзандлари ҳам тиббий текширув натижаларига, тегишли вазирлик ва идора раҳбарининг тавсияномасига асосан ана шундай имтиёзга эга бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг самарали тизими яратилган. Харбий округларнинг Сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий харбий таълим му-

минланмоқда. Уларнинг аксарияти ўзбек тилида тайёрланаётгани харбий таълим ривожига катта ҳисса қўшмоқда.

Олий харбий таълим муассасаларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар учун бир неча малака ошириш курслари ташкил этилган. Буларнинг барчаси олий харбий таълим жараёнига янги педагогик технологиялар ва интерфаол усулларни жорий этиш, курсантларнинг

принципиал жиҳатдан тубдан ўзгартирди. Бунинг натижасида йигитлар ўртасида аскар бўлиш учун соғлом ва кучли рақобат юзга келди. Миллий армиямиз сафлари ўз кучига ишонган йигитлар билан тўлдирилмоқда. Улар эртанги тинч ҳаётимиз ва фаровонлигимизнинг ишончли қафолатидир.

Харбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги – армиямизнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли воситадир. Президентимиз Исломо Каримовнинг ташаббуси ва ғояси билан 2010 йилда пойтахтимизда ўрнатилган «Ватанга қасамд» ҳайкали ўзига хос монументал дарслик сифатида ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Мазкур монумент олдида олий харбий таълим муассасалари курсантлари учун харбий қасамд қабул қилиш тadbирлари ва кўплаб маънавий дарслари ташкил этилаётгани улардаги ватанпарварлик туйғусини, ўзи танлаган соҳага бўлган қизиқиш ва интилишни янада кучайтирмоқда.

Буларнинг барчаси харбий хизматни нафақат конституциявий бурч, балки йигитлар учун садоқат, матонат ва жасорат мактабига айлантиришга, мустақиллик йилларида халқимиз эришган энг катта бойлик – тинч-тотув, файзли ва фаровон ҳаётимизни асраб-авайлаш ва ишончли ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Зеро, ҳар томонлама соғлом ва салоҳиятли харбий кадрлар халқимиз эришаётган улкан ютуқларнинг ишончли қалқонидир.

Рустам ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги
Харбий кадрлар тайёрлаш
бошқармаси
бошлигининг ўринбосари,
подполковник
(ЎЗА)

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Корхонада кадрларни танлаш ва тайёрлаш малакасини алоҳида эътибор қаратилади. Барча ишчилар корхонада ўқитилади ва унинг муддати танланган касбга боғлиқдир. Айни пайтда бу ерда 86 нафар ўз ишининг устаси меҳнат қилмоқда. Корхона раҳбарияти мунтазам аттестация ўтказиётгани боис уларнинг ҳам ҳар доим ўз малакасини оширишига тўғри келмоқда. Бу эса, ходимлар малакасини ошириш билан бирга, уларга иш ҳақининг ўзгаришига таъсир қилдиган даража беришга асос бўлмоқда.

Ходимларни танлаш ва тайёрлашда асосий эътибор талаб катта бўлган мутахассисларни тайёрлашга қаратилаётган касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутмоқда. Юқори

ча сир-асрорларини ўргатди ва мен ҳам ўзимни кўрсатиш касбини тез ўзлаштириш ҳамда муомалани кўраётган бўлишимни ишга соғдим.

Муаззам икки йилдан буён ишлаш ва дам олиш учун барча шарт-шароитлар яратилган тикув цехида меҳнат қилмоқда. Алоҳида ошхонада барча ходимлар ва амалиётчилар ўч марталик бепул овқат билан таъминланган. Цехлар замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу ишни анча енгиллаштирмоқда. Ишлаб чиқариш изчил ривожланмоқда. Ҳозирча фойдаланилмаётган майдонда яқин вақт ичида янги дастгоҳлар ўрнатилди ва уларда ишлаш учун бўлажак мутахассислар – коллеж битирувчилари тақлиф этилади.



Аскар Ёқубов (ЎЗА) суратлар

Чирчиқ туманидаги транспорт ва иқтисодиёт коллежи шундай ўқув муассасаларидан биридир. Унинг 25 нафар ўқувчиси ҳозир мазкур корхонада ишлаб чиқариш амалиётини ўтамоқда. «Усташогирд» анъанаси яхши натижа бермоқда ва ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлмоқда. Ўқувчилар амалиёт пайтида янги касбни ўзлаштириб, ишлаб чиқариш ҳақида тасаввурга эга бўлиб, истикболли ходимларга айланмоқда. Бу корхона учун қулай. Негаки, ёш йигит-қизлар шунчаки амалиёт ўтаётгани йўқ, балки ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳисса қўшмоқда.

Касб-хунар коллежларининг ўзини кўрсатган ўқувчилари бугун корхонада меҳнат қилмоқда, энг яхши ишчилар сифатида эътироф этилмоқда. Амалиётчиларга ўз тажрибасини ўргатаётган тикувчи Муаззам Бекова шулар жумласидандир.

– Юқори Чирчиқ транспорт ва иқтисодиёт касб-хунар коллежидан шу корхонага келиб ишлаб чиқариш амалиётини ўташ чоғида тажрибали мураббий билан бирга ишладим, – дейди М.Бекова. – Устозим менга ушбу касбнинг бар-

Сотилаётган маҳсулотлар ҳажми мамлакатимизда ишлаб чиқарувчиларга нисбатан талаб ва ишончининг ортиб бораётганини ёрқин намоиш этмоқда. Айни пайтда «Кортексо» масъулияти чекланган жамияти ойига 450 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш қувватига эга. Жорий йилда ички бозорга 150 минг жуфтдан зиёд маҳсулот сотилди, 500 мингдан ортиқ маҳсулот экспорт қилинди. Маҳсулотга бўлган талаб эса тобора ошмоқда.

– Маҳсулотларнинг ҳаммаси қатъий сифат назоратидан ўтказилади, – дейди сифат назорати инспектори Юлдуз Ганиева. – Биз фақат сифатли материаллардан фойдаланамиз, ишлаб чиқариш нормативларига қатъий риоя қиламиз. Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига бўлган талаб йил сайин ортмоқда. «Кортексо» масъулияти чекланган жамияти келгусида ҳам бозорга фақат сифатли маҳсулот етказиб беришни режалаштирмоқда. Унинг турлари эса мунтазам кенгайиб боради.

Р.БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

Мамлакатимизда тadbиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Тadbиркорлик

АМАЛИЙ КЎМАК КЎРСАТИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 7 январда қабул қилинган «Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотлар қўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича 2011–2015 йилларга мўлжалланган чора-тadbирлар дастури тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ҳам муайян ишлар бажарилмоқда. Жумладан, тadbиркорларга Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини тушунириш, уларнинг ҳуқуқий билим ва малакасини ошириш, фаолияти ривожига тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Бектемир туманида ўтказилган «Тadbиркорлар куни» ҳам худди шундай тadbиркорлик субъектларининг муаммоларини амалда ечилишини таъминлашга қаратилди.

Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бошқармаси вакиллари, Бектемир тумани ҳокимлиги, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамда туман прокуратураси вакиллари, туман солиқ инспекцияси, тижорат банклари, бандлика кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази масъул ходимлари ҳамда тadbиркорлар иштирок этган тadbирда туманда ишлаб чиқаришга илғор технологияларни кенг жалб этиш, тadbиркорларга кредитлар ажратиш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш каби масалалар атрофида муҳокама этилди.

– Давлатимиз томонидан ишлаб чиқариш субъектларига кенг имкониятлар яратилмоқда, – дейди «Asfalt» масъулияти чекланган жамияти мутахассиси Шоира Маннопова. – Солиқ ҳисоботларининг электрон вариантини жўнатиш йўлга қўйилган, шунингдек, солиқ ставкалари ҳам олти фоиздан беш фоизга туширилди. Бундай тadbирларни ташкил этилиши соҳада юзга келган муаммоларни ўрганиш ва бартараф этишда, шунингдек, ишлаб чиқариш ривожига салмоқли ҳисса қўшади, албатта.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг тadbиркорликни янада ривожлантириш, уларга қулай бизнес муҳитини яратишга қаратилган қарорлари асосида бир қатор ишлар қилинмоқда. Тadbиркорлик субъектларига ҳорижий давлатларда ташкил этилаётган кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш, ишлаб чиқарган маҳсулотларини экспорт қилиш, газ, электр энергияси ва коммуникация тармоқларига уланиш, тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар олиш бўйича амалий ёрдамлар берилмоқда.

Тadbир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишди.

Абдуллоҳ САЛИМОВ

Юнусобод туманидаги «Мирсағатов Авазбек» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган 14 турдаги музқаймоқ

маҳсулотлари ўзининг юқори сифати билан истеъмолчилар эътиборига сазовор бўлмоқда.

Иқтисодиёт

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА МАНЗУР МАҲСУЛОТЛАР

Ҳозир шаҳримизда қай бир озиқ-овқат дўконига кирманг, корхона тамғаси туширилган музқаймоқларга қўзингиз тушади. Ушбу маҳсулотларнинг замонавий дизайнини кўриб, дилинг равшан тортади.

– Хитой технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган «Крем-брюле», «Коракум», «Лидер», «Магия», «Кофейное» каби номдаги қатор музқаймоқлар айни дамларда ички бозоримизни таъминлашда кўл келмоқда, – дейди корхона раҳбарининг ўринбосари Одилжон Бойматов. – Корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотларни бугун исталган дўкон пешхоналаридан уратиш мумкин. Келгусида маҳсулотларимизни хорижага экспорт қилиш ниятимиз ҳам бор.

Ўтган 2012 йилда хусусий корхонада 35 миллион сўмлик музқаймоқлар тайёрланган бўлса, жорий йилда бу миқдорни ўртача 40-50 миллион сўмга етказиш мўлжалланмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

Грант олиш учун танлов эълон қилади

Танлов мавзуси «Қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада юксалтиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг иштирокини таъминлаш».

– Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қўйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

– ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида оилавий бизнесни, хусусий тadbиркорликни, уй меҳнатини ташкил этиш ва ривожлантириш;

– кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш асосида аҳолига янги иш ўринларини яратиш ва ишга жойлаштириш;

– мини технологиялар ишлатиладиган қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш мақсадида ҳудудларнинг имкониятларини ўрганиб чиқишга кўмаклашиш, асослангилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш;

– ижтимоий ва бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳоли турар жойларининг ободонлаштириш борасидаги ишларнинг қўламини янада кенгайтириш.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати.

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳаси ва унинг электрон варианты funduz@parliament.gov.uz; fundno@parliament.gov.uz электрон манзилига.

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 15 млн. сўмгача. ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 1 июнь соат 18-00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳ-қўчаси, 1-уй» манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

Тadbирлар

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Шаҳар Халқ таълими бош бошқармасида Халқ таълими вазирлигининг Ҳудудий халқ таълими бошқарув идораларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан ўқув семинари ва «Очиқ эшиклар куни» тadbiri бўлиб ўтди.

Тadbирни ўтказишдан асосий мақсад, «Очиқ эшиклар куни»да туманлардаги барча мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритувчи ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ота-оналари, жамоатчилик вакиллари ва ҳокимият вакиллари тингланиб, уларга имкон қадар ёрдам беришдир.


Шунингдек, тadbирга шаҳар ҳокимлиги, адлия бошқармаси ҳамда архив соҳаси ходимлари ҳам тақлиф этилди. «Очиқ эшиклар куни»да фуқаролар ўз саволлари, муножабатлари, шикоятлари, тақлифлар-мулоҳазаларини билдиришди. Семинар қизгин баҳс-мунозара, савол-жавоб тарзида бўлиб ўтди.

Ҳудудий халқ таълими идоралари, педагогика ва малака ошириш институтлари ҳамда таълим муассасаларининг ижро интизомига масъул ходимлари учун ҳудудларда ўқув семинарлари ва «Очиқ эшиклар куни» тadbирларини юқори савияда ва белгиланган режа бўйича ўтказилишига келтириб олинди. Чуноткин, келгусида «Очиқ эшиклар куни» тadbирини бир туманда каскад усулида давом эттирилиши режалаштириб олинди.

Туманларда ўқув семинарлари 10 июлга қадар давом этади.

Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

БОЛАЛАР МЕҲР ВА
АРДОҚДА

Ўзбекистонда «Ҳар бир болага меҳр, эътибор!» шiori остида махсус ҳафталик бошланди.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган ҳафталикнинг дастлабки кунинда «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, ЮНЕСКО, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳамкорлигида «Ўз келажигимизни ҳамжихатликда яратамиз» мавзусида VI республика болалар форуми ташкил этилди.

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, ижтимоий соҳа вакиллари, педагоглар, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов, Тошкент шаҳар ҳокими-и ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси раиси И.Юсупова, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ўқув маркази директори М.Охунова, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонасининг болалар ҳимояси шўбаси раҳбари Пилар Гонсалес, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси масъул котиби А.Икромов ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, саломатлигини муҳофизатлаш, баркамол авлодни вояга етказиш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ёш авлоднинг пухта таълим олиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида камол топиши, ижодий-интеллектуал

салоҳиятини ривожлантириш, ижтимоий ҳимоялаш, соғлиғини сақлашга оид ҳуқуқий қарорлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қўллаб-қувватлаш, давлат дастурларида ўз ифодасини топган. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, тарбиявий-маънавий ишларни самарали йўлга қўйиш, ёшларнинг онгу шуурини миллий ҳаёт тарзидан ёт қилар, «оммавий маданиятнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш, инклюзив таълимни янада ривожлантириш борасида кенг қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Давлат дастури доирасида «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси бир қатор вазирликлар, ташкилотлар билан биргаликда ота-она меҳридан бебаҳра болаларнинг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш, соғломлаштириш, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қўллаб-қувватлаш ишлари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 28 май – 3 июнь кунлари ўтказиладиган «Ҳар бир болага меҳр, эътибор!» махсус ҳафталик ҳамда 1-10 июнь кунлари ўтказиладиган «Биз – баркамол авлодмиз!» ўн кунлиги бу йўналишдаги эзгу ишларнинг амалдаги ифодасидир.

Маъмур тадбирлар доирасида меҳрибонлик, мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари учун хайрия акциялари, театрлаштирилган томошалар, концерт дастурлари, фестиваллар, ижодий кўрик-танловлар, кўргазмалар, спорт мусобақалари ўтказилади. Кам таъминланган оилалар фарзандлари, алоҳида эҳтиёжли болалар учун маданият ва истироҳат боғлари, театрлар,

музейлар, тарихий обидалар, ботаника ва ҳайвонот боғларига саёҳатлар ташкил этилади.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида ўтказиладиган дала сайли кичкинтойларда унутилмас таассурот қолдиради. Мактабдан ташқари таълим муассасалари ва ахборот-ресурс марказларида, маҳаллаларда ёзувчи ва шоирлар, ижодкорлар билан учрашувлар, фильмлар намойиши, бола ҳуқуқлари оид миллий қонунчилигимиз бўйича викториналар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилади. Барча болалар мусиқа ва санъат мактабларида «Ёшлик наволари» байрам концертлари бўлиб ўтади.

Болалар форуми доирасида «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида «Биргаликда обод турмуш ва обод Ватан барпо этамиз» мавзусида иншолар танлови ўтказилди. Унда 4,5 минг нафардан ортиқ 7-8-синф ўқувчилари иштирок этди.

Ватанимизнинг янада обод бўлишига аъло ўқиш, намунали хулқ, фооллик ва ташаббускорлик билан муносиб ҳисса қўшиш бизнинг фарзандлик бурчимиздир, дейди Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги 5-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Рисолат Насимова. – Танловга тақдим этган иншоимда мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободчилик ишлари, барпо этилаётган кўркам ва қулай уй-жойлар, ёшларга қўрсатилаётган юксак меҳр-эътиборни акс эттиришга ҳаракат қилдим.

Форумда ёш авлод камолоти ва истиқболи йўлидаги ҳамхўрлик, бу йўналишдаги миллий қонунчилигимизнинг халқаро ҳуқуқий нормаларга ўйинлиги, Обод турмуш йилида амалга оширилаётган эзгу ишлар юзасидан фикр алмашилди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

(ЎЗА)

«Меҳр» сўзи қуёш, офтоб деган маънони англатаркан. Аслида ҳам меҳр сўзи айтилганда ёки меҳр кўрсатилганда қалбларда, кўзларда ўз-ўзидан меҳр тафти аланга олиб, офтоб чарақлагандай бўлиб кетаркан. Меҳр мевалари қанчалар тотли эканини меҳр кўрсатган ёки меҳр кўрган инсонгина теран тушуниши мумкин.

МУРУВВАТГА ТАШНА
ҚАЛБЛАРГА МАЛҲАМ

Меҳрсиз қалб меvasиз дарахтга ўхшайди.

Меҳрсиз кўз эса суви қуриб қолган ариқни эслатади. Халқ мақолида айтилганидек, «Кўз кўзга тушса меҳр кўзгалар». Ҳақиқатан ҳам меҳрнинг илдизлари кўзда бўлади. Кимнингдир қалбига оқибат уруғи сеписла, у дунёдаги энг бахтли инсонлардан бири ҳисобланади.

Бундай одамлар ўша уруғдан униб чиққан меҳрибонлик, ғамхўрлик фаилатлари туфайли қалб хотиржамлигига эришади. II республика тиббиёт коллежининг ўқувчилари шахримизда жойлашган йирик тиббий илмий-текширув марказларида ва кли-



ник шифохоналарда ўзларининг амалий машғулотларини ўтказиб касбий сабоқларни олишди. Бу гал бир қанча иқтидорли ўқувчилар Юнусов туманида жойлашган Меҳрибонлик уйига ташриф буюришди. Бу ташрифни ўқувчилар ҳаяжон билан кутишди, чунки бу ердаги жажжи болаларни парвартишдаги кўнчилари улар учун қандайдир имтихон топширишди эди. Меҳрибонлик уйи бош шифокори Дилобар Абдурасулова уларни ўқувчиларнинг уй шароити, парвартиш йўллари билан таништирди ва коллеж битирувчилари ҳақида илиқ гапларни айтди. Чунки Меҳрибонлик уйи ҳодимларидан тўрт нафари ушбу коллеж битирувчиларидир ва маъмурият уларнинг меҳнатидан мамнун. Давлатимиз томонидан мукамал таъмирланган бу шинам меҳроғи қадам қўйишар экан, ёшларнинг кўзларидаги меҳр нурлари юракда турлиб, кўзда вояга етгани очик-ойдин кўзга ташланди.

Маълумки, ҳар қандай фаолиятда ҳам инсоннинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади. Шу ўринда ҳамширлик фаолиятида ушбу соҳа ҳодимларига хос бўлган меҳрибонлик, ғамхўрлик, ҳамдардлик, масъулиятлилик хусусиятлари келгусида уларга мазкур савобли ишда ишлашларига ёрдам беради. Қайноқ меҳнат жараёнига қадам қўётган бўлажак ҳамширалар Меҳрибонлик уйида уч йил давомида олган сабоқлари асосида болаларни парвартишда иштирок этишди, уларга мурувват кўрсатишди. Ҳаттоки дарсдан ташқари пайтларда ҳам уларнинг болаларга меҳрибонлик билан ҳамширлик ёрдамини кўрсатиши уларнинг меҳнат фаолиятига тайёр эканлиги, соҳага хос барча инсонийлик хусусиятлари шакланганлигидан далолат беради ва бу ёшлар келажақда мустақил дёғримизнинг бахтли инсонлари бўлиб етишишларига аминмиз.


М. САЛИХОВА,

II Республика тиббиёт коллежининг маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Ф. ЮНУСОВА, коллежининг «Психологик парварши» фани ўқитувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ҚИБРАЙ»

Клиник санаторийида саломатлигингизни тикланг!



Юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган шифохонадир. Бу ерда тажрибали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усулларини жорий қилиб, беморларни даволайдилар.

Сихаттоҳда сауна, бассейн, фитобар, теннис корти, бильярд каби қўллаб-қувватлаш мавжуд.

Ошхонада беш маҳал пархез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

Санаторий манзили:

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишга таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.

Телефонлар: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик ким ошди савдосига таклиф этади!

Савдога қўйиладиган автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан: 1. № 929 - сонли ижро ҳужжати асосан 1985 й. и.ч. «Ваз-2106», д.р. 10 R 354 BA. Бошланғич баҳоси – 4 129 326 сўм. 2. № 4601 - сонли ижро ҳужжати асосан «Шевролет Корсика», д.р. 01 U 049 DA. Бошланғич баҳоси – 3 200 456 сўм. Чирчиқ шаҳар, ИИБ ЙХБЖ жарима майдончасида сақланмоқда. 3. № 4160 - сонли ижро ҳужжати асосан «Москвич-412», д.р. 11 T 5619. Бошланғич баҳоси – 658 987 сўм. «Зеромиллер» МЧЖ омиборида сақланмоқда. Бекобод тумани СИБ томонидан: 4. 14.06.2011 й. № 6908 - сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. «Газ 31105», д.р. 10 Q 367 CA. Бошланғич баҳоси – 4 939 591 сўм. Бекобод тумани ИИБ ДАНБда сақланмоқда. 5. 01.03.2012 й. № 5249 - сонли ижро ҳужжати асосан 1989 й. и.ч. «Москвич», д.р. 11 R 9813. Бошланғич баҳоси – 245 251 сўм. 6. 31.08.2012 й. № 14510 - сонли ижро ҳужжати асосан «Урал», д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 504 279 сўм. 7. 31.08.2012 й. № 14510 - сонли ижро ҳужжати асосан «Урал», д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 504 279 сўм. 8. 14.10.2010 й. № 17572 - сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. и.ч. «Камаз», д.р. 11 K 3293. Бошланғич баҳоси – 11 288 467 сўм. 9. 14.10.2010 й. № 17572 - сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. и.ч. «Камаз 53212», д.р. 10 R 639 AA. Бошланғич баҳоси – 11 192 580 сўм. 10. 14.10.2010 й. № 17572 - сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. «Камаз 5320», д.р. 11 12685. Бошланғич баҳоси – 9 489 286 сўм. 11. 14.10.2010 й. № 17572 - сонли ижро ҳужжати асосан 1990 й. и.ч. «Камаз 53212», д.р. 10 A 245 BA. Бошланғич баҳоси – 12 360 653 сўм. Бекобод тумани Ешлик ХХСКда сақланмоқда. Бекобод шаҳар СИБ томонидан: 12. 03.01.2013 й. № 1 - сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. и.ч. «Даймлербенц 0303», д.р. 20 P 4444. Бошланғич баҳоси – 58 607 092 сўм. 13. 09.10.2012 й. № 9209 - сонли ижро ҳужжати асосан 1995 й. и.ч. «Газ-31029», д.р. 11 Z 6117. Бошланғич баҳоси – 2 772 075 сўм. «Бекободсавдо» МЧЖ омиборида сақланмоқда. 14. 14.09.2012 й. № 7/44-45-46-47-48-49-50-51 - сонли ижро ҳужжати асосан 2002 й. и.ч. «Газ 31029», д.р. 11 AP 564. Бошланғич баҳоси – 24 404 381 сўм. Қўйчирик тумани ЖИБ биноси ҳудудида сақланмоқда. Юқоричирик тумани СИБ томонидан: 15. 28.12.2011 й. № 11-1130/25283 - сонли ижро ҳужжати асосан 1999 й. и.ч. «Кейс 2366», д.р. 14-64 ER. Бошланғич баҳоси – 51 562 804 сўм. 16. 28.12.2011 й. № 11-1130/25283 - сонли ижро ҳужжати асосан 1996 й. и.ч. «Магнум 7240», д.р. 18-11 ED. Бошланғич баҳоси – 35 615 615 сўм. Юқоричирик тумани МТП, Янгйобозор қўрғони, Баҳор кўчасида сақланмоқда. Юқоригон тумани СИБ томонидан: 17. 26.10.2005 й. ижро ҳужжати асосан «Т-28, Х-4», д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 1 816 111,06 сўм. 18. 01.11.2012 й. ижро ҳужжати асосан «Ваз-2106», д.р. 11 M 4003. Бошланғич баҳоси – 3 098 992,5 сўм. 19. 26.03.2012 й. ижро ҳужжати асосан «Ваз-21013», д.р. 11 Y 6189. Бошланғич баҳоси – 2 811 089,6 сўм. Юқоригон тумани, ИИБАМТФКМНБ жарима майдончасида сақланмоқда. Ангрен шаҳар СИБ томонидан: 20. 03.05.2011 й. № 3946/11 - сонли ижро ҳужжати асосан 1976 й. и.ч. «М-412», д.р. 11 N 9038. Бошланғич баҳоси – 601 749 сўм. Ангрен шаҳар, 29-автотроҳона майдонда сақланмоқда. 21. 10.12.2010 й. № 19624/10 - сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. и.ч. «Камаз 5320», д.р. 11 A 6717. Бошланғич баҳоси – 11 914 834,12 сўм. Ангрен шаҳар, ИИБ ЙХБЖ майдончасида сақланмоқда. 22. 02.11.2010 й. № 14057/10 - сонли ижро ҳужжати асосан 1990 й. и.ч. «ИЖ», д.р. 10 L 975 AA. Бошланғич баҳоси – 932 622,02 сўм. Ангрен шаҳар, ИИБ майдончасида сақланмоқда. Ким ошди савдоси 2013 йил 17 июнь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Бўша тумани СИБ томонидан: 23. 09.03.2007 й. № 483/1 - сонли ижро ҳужжати асосан 1992 й. и.ч. «Газ 5312», д.р. 10 861 QAA. Бошланғич баҳоси – 2 504 571 сўм. 24. 09.03.2009 й. № 2578/1 - сонли ижро ҳужжати асосан 2009 й. и.ч. «Chevrolet Nexia», д.р. 10 855 QAA. Бошланғич баҳоси – 27 458 000 сўм. 25. 20.04.2010 й. № 2441/2 - сонли ижро ҳужжати асосан 2001 й. и.ч. «Yaz 31512», д.р. 11 AJ 733. Бошланғич баҳоси – 8 378 000 сўм. 26. 09.03.2007 й. № 483/1 - сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. и.ч. «Газ 532», д.р. 10 864 QAA. Бошланғич баҳоси – 5 994 699 сўм. 27. 09.03.2009 й. № 2578/1 - сонли ижро ҳужжати асосан 2003 й. и.ч. «Давою Нексия», д.р. 10 575 MAA. Бошланғич баҳоси – 21 244 000 сўм. 28. 08.06.2009 й. № 3901/4 - сонли ижро ҳужжати асосан 1974 й. и.ч. «Кавз 685», д.р. 11 AG 524. Бошланғич баҳоси – 3 647 000 сўм. Бўша тумани, ДСИ биносида сақланмоқда. 29. 1987 й. и.ч. «Ваз-21063», д.р. 10 C 998 BA. Бошланғич баҳоси – 1 571 000 сўм. Бўша тумани, 122-сонли автотроҳона биносида сақланмоқда. 30. Қўйчирик тумани СИБ томонидан: 26.11.2012 й. № 10-1209/0218 - сонли ижро ҳужжати асосан «Ваз-2102» - 30-Драбичка уқусиси. Бошланғич баҳоси – 94 500 000 сўм. Ким ошди савдоси 2013 йил 1 июль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари ва мулклар билан СИБ вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Ким ошди савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш ким ошди савдоси кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Ким ошди савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган заклат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заклат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотечка банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. 2020800004887305001, МФО: 00425, ИИН: 301829604. Ким ошди савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: (+99893) 577-22-12.

«КОСНАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Чилонзор тумани СИБ томонидан, Самарканд вилояти Хўжалик судининг 17.05.2012 йилдаги 14-1202/3699-сонли ижро варақасига асосан, «TEXSELNAB» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 2-даха, 26-уйда жойлашган, умумий ер майдони 143,0 кв.м. бўлган нотураж жой биноси тақдоран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 152 543 160 сўм.**

Савдо 2013 йил 17 июнь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати – 2013 йил 14 июнь кунини соат 18:00.

Кўчас мулк билан тегишли суд ижрочилири бўлимининг вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заклат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМХС» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИИН:207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Коракамий кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Сардор ТОХИЕВ,
ЎЗА мухбири

Қарор ва ижро

ЯНГИ ИНТЕРФАОЛ ХИЗМАТ ТАҚДИМОТИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида мамлакатимизда чоп этилаётган нашрларга халқаро стандарт рақам (ISBN) ва халқаро стандарт серия рақамини (ISSN) бериш бўйича электрон хизматлар тақдими бўлиб ўтди.

Тадбирда экспертлар, нашриётлар ва таҳриратлар вакиллари, дастурий таъминот ишлаб чиқувчилар, журналистлар қатнашди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожлантирилиб, кутубхона ва ноширлик фаолиятида кенг қўлланилмоқда. Масалан, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 20 мартда қабул қилинган «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ фойдаланувчилар ва соҳа мутахассислари учун катта қулайликлар яратилган янги дастурий маҳсулотлар ҳамда интерфаол хизматлар жорий этилмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ислоҳ этишда Ўзбекистон Китоб палатасининг қатор вазифалари, хусусан, мамлакатимизда чоп этилаётган нашрларга халқаро стандарт рақамлар – китоблар учун ISBN ва даврий нашрлар учун ISSN бериш вазифаси ўтказилган эди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасидан маълум қилишларича, ISBN ва ISSN мавжудлиги нашриётчилар, китоб билан савдо қилувчилар, кутубхоначилар, илмий ходимларга Ўзбекистон ва унинг ташқарисидида нашрларни қийинчиликсиз тарқатиш, мамлакатимиз ва хорижий автоматлаштирилган тизимларда нашрлар ҳақидаги ахборотни қидириб топиш имконини беради.

Тақдимот маросимида Китоб ва журналларни интерфаол шаклда стандарт рақамлаш халқаро

Хоразм вилоятида «Талабалар баҳори – 2013» фестивали бошланди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, илм-фан сирларини мукаммал эгаллаши, истеъдодини тўлиқ намоён этиши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Энг замонавий ўқув-техника воситалари билан жиҳозланган ахборот-ресурс ва ихтидоёт марказлари, спорт

мажмуалари ёшлар ихтиёрига берилган. Юртимиз ўғил-қизларининг истеъдодини рўйбга чиқариш мақсадида ташкил этилаётган турли кўрик-танловлар, илмий-амалий анжуманлар, фестиваллар, тадбирлар навқирон авлод вакиллариининг кўп қиррали интеллектуал салоҳиятини намоён этишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири иқтидорли, ташаббускор ва фаол ёшлар байрами – «Талабалар баҳори» фестивалидир.

«Камолот» ёшлар ихтимойи ҳаракати ташаббуси билан қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида олий ўқув юрлари талабалари ўртасида илмий-ижодий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ўзаро тажриба алмашиши ҳамда илмий фаолият олиб боришда бир-бирига кўмаклашиши учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни фан-техника тараққиёти йўлида бирлаштириш мақсадида ўтказиб келинаётган мазкур фестивалга жорий йилда кўна ва ҳаммиса навқирон Хоразм вилояти мезбонлиқ қилмоқда.

Ушбу фестивалда биринчи марта қатнашимиз, – дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси Тўлқин Тўраев. – Фестивални ўтказишга катта тайёрларик қўрилганига гувоҳ бўлдим. Байрамонга безатилган Урганч темир йўл вокзалида бизни гуллар, қарнай-сурнай садолари билан кутиб олдилар.

Фестиваль иштирокчиларининг Хоразм вилоятига ташрифи Жалолиддин Манғуберди ҳайкали пойига гул қўйиш билан бошланди.

Талабалар анжуманида иштирок этаётганимдан бехад хурсандман, – дейди Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети «Камолот» ёшлар ихтимойи ҳаракати

«Талабалар баҳори – 2013»

ЁШЛИК, ИСТЕЪДОД ВА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

бошлангич ташкилоти етакчиси Хусанжон Тўхтаев. – Бу заминда камол топиб, дунёга доғру таратган улук бобокалонларимиз қадамжоларини зиёрат қилиш ва уларнинг мероси билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлганимдан фахрланаман.

Фестивалнинг тантанали очилиши Урганч шаҳридаги «Авесто» боғ-мажмуасидаги амфитеатрда бўлиб ўтди. Маросимда «Камолот» ёшлар ихтимойи ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг истеъдоди ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш ҳамда ихтимойи-сиёсий фаолигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мусобақалар

МЕРГАНЛАР БЕЛЛАШУВИ

«Камолот» ёшлар ихтимойи ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан мамлакатимизда вояга етмаган ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни ҳар хил зарарли иллатлардан асраш, мамлакатимиз спортини ривожлантириш ҳамда дарсдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида туманда жойлашган барча умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган вояга етмаган ўқувчи-ёшлар ўртасида «Мерган – 2013» спорт мусобақалари ташкил этилди.

Мусобақа иштирокчилари учун «Ватанпарвар» ташкилотини боғида «Делталейт» ҳамда ташкилот қошидаги «Ёш авиамоделчилар» тўғарида аззолари томонидан ясалган турли хилдаги самолёт ва ракеталар макетларининг кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазма юзасидан тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволлар билан мураббийларга мурожаат этишда ва керакли маълумотларга эга бўлишди.

Икки кун давом этган мусобақанинг биринчи кун якуниларига кўра якка тартибда 270-мактаб ўқувчиси Нуриддин Фахриддинов 5 та уринишда 33 баллни қўлга киришти биринчи ўринни, 128-мактаб ўқувчиси Салим Хайриев умумий 32 балл жамлаб, иккинчи ўринни ҳамда 179-мактаб ўқувчиси Иброҳим Иноятлов 30 балл жамлаб учинчи ўринни эгаллашди. Мусобақанинг якка тартибдаги ғолиблари «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда «Махалла» хайрия жамоат фонди туман бўлиниши томонидан диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди. Шу билан бир қаторда мусобақа якунига кўра 26, 24, 24 балл тўплаган 202-мактаб ўқувчиси Иброҳим Соҳибжонов, 201-мактаб ўқувчиси Акбар Асомов ҳамда 202-мактаб ўқувчиси Сардор Собитжоновлар фаол иштирокчилари учун эсдалик совғалари билан тақдирландилар ҳамда Республика Олимпия заҳиралари коллежи қошидаги «Ўзбек жанг санъати» спорт тўғарида бўлул иштирок этиш йўлнамасини қўлга киритдилар.

Мусобақанинг иккинчи кунинда тумандаги 3 та академик лицей ва 13 та касб-ҳунар коллежларидан жами 50 дан ортиқ ёшлар ўзаро бахс юритишди. Ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчи-ёшлари ўртасида ташкил этилган мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

Мусобақа давомидида иштирокчилар билан вояга етмаган ёшларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш, ўқув-муҳитлари вақтида ҳамда тунги соатларда назоратсиз юрмасликлари масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Уйлаимизки, ушбу мусобақалар ўқувчи-ёшларнинг ватанпарвар йигитлар бўлиб вояга етишларида ўз хиссасини қўшади. Зеро, аксарият иштирокчилар билан суҳбатлашганимизда, улар келажақда ҳарбийлик касбини эгаллашди, Ватанимиз сарҳадларининг муносиб ҳимоячилари бўлиш истаклари борлигини маълум қилишди, – дейди «Камолот» ЁИХ Чилонзор туман бўлими Кенгаши раиси Б. Зиёвуддинов.

(Ўз мухбиримиз)

Маълумки, келгуси йили Бразилия футбол бўйича уюштирилаётган жаҳон чемпионатида мезбонлик қилади.

Спорт

ҲАКАМЛАРИМИЗГА ИШОНЧ

Жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг IV босқич гуруҳларидаги сўнгги 9,10-тур учрашувларини бошқарадиган ҳакамлар номи маълум бўлди.

Қувонарлиси шундаки, учрашувларни бошқарадиган ҳакамлар орасида ҳамюртларимизга ҳам катта ишонч билдирилди.

Жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг 9-туридан ўрин эгаллаган Ироқ — Япония ҳамда 10-тур доирасидаги Иордания — Уммон терма жамоалари ўртасидаги учрашувларни ФИФА рефериси Валентин Коваленко бошчилигидаги ҳакамлар гуруҳи бошқаради. Ҳар икки учрашувда Коваленкога қанотларда Рафаэль Илёсов ҳамда Маъмур Саидқосимовлар ёрдам беришади. Тўртинчи ҳакам вазифасини Владислав Цейтлин бажаради.

Акбар Йўлдошев



Нодир Норматов – ёзувчи, санъатшунос, фоторассом сифатида танилган бўлиб, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетини тугатган. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси.

Шу кунгача ижодкорнинг «Қишлоқ томон йўл», «Сурхон оҳанглари», «Ватан сансан, Ватан мен», «Ватан тимсоллари» деб номланган шахсий кўргазмалари намоиш этилган.

Нодир Норматов юзлаб ўзбек мусавирлари ҳамда халқ усталари ижодини, жаҳон тасвирий санъат намояндаларини ўз мақола ва эсселарида тарғиб-ташвиқ этган. Юздан ортиқ илмий ва оммавий китобларга муҳаррирлик қилган. Санъат аҳлига бағишланган ўттизга яқин ҳужжатли фильмлар сценарийи ва матнлари муаллифи. 1998 йилдан буюн бадий фото санъати билан шуғулланиб, 2007 йилда «Маҳалладан бошланар Ватан» танловида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Республика ва халқаро кўргазмалар катнашчиси. Бадий ижод соҳасида бир неча қисса ва романлари чоп этилган.

«101»

ЭЛЕКТР АНЖОМЛАРНИ НАЗОРАТСИЗ ҚОЛДИРМАНГ

Ҳаётимизда юз бераётган ёнғиллар тасодиф эмас, албатта. Болаларнинг шўхлиги оқибатида ёки сигаретани ўчирмай ташлаб кетиш натижасида қуриб кетган майсалар ёниб, алангаси атрофга ўтиб кетиши билан жуда хавфлидир.

Тамакининг соғлиққа зарарлигини тушунириб ўтиришнинг ҳождати йўқ деб ўйлаимиз. Чунки, кашандалар бунни жуда яхши биладилар. Лекин кичкинагина сигарета қолдиги туйғайли бир неча дақиқаларда хонадон талафот қўриб, ўзи эса жиддий жароҳат олса, унга бир умрга қайғули дарс бўлиб қолса керак.

Ёнғилларнинг сабаби кўп. Назоратсиз қолдирилган дазмол, таъмирланган носоз телевизор ва кишиларнинг масъулиятсизлиги оқибатида келиб чиқадиған

Фестиваль доирасида мамлакатимиздаги барча олий ўқув юрларидаги таълим йўналишлари ҳамда талаба-ёшларнинг билим ва муайян мутахассисликни эгаллаши учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумот берувчи кўргазмалар намоиш этилди. Тадбирга ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчи ва битирувчилари ҳам жалб этилди.

Мазкур тадбирнинг «Авесто» боғ-мажмуасида ташкил этилиши ўтмиш ва бугуннинг узвий боғлиқлиги ҳамда аждодларимизнинг боқий маънавий мероси мустақиллик туйғайли ёшларимиз томонидан қадрланаётганининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди, – дейди Урганч давлат университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Санжар Давлетов. – Огаҳий номидаги вилоят театри актёри Комилжон Тожиев томонидан яратилган Жалолиддин Манғуберди сиймоси фестивал иштирокчиларига гурур ва фахр туйғуларини бахш этди.

Анжуман дастуридан ўрин олган «Қувноқлар ва зукколар», «Ниҳол» талабалар театри томошалари танловлари, «Заковат» интеллектуал ўйини, спорт мусобақалари талабаларнинг билим, иқтидор ва маҳоратини ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистонда табиати муҳофиза қилиш ва барқарор экологик муҳитни яратиш» мавзусидаги илмий анжуман, ёшлар экологик акцияси давомида иштирокчилар депутатлар, соҳа мутахассислари ва ёш олимларнинг маърузаларини тинглаш билан бирга мавзу бўйича ўзларининг фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

Фестивалнинг очилиш маросими концерт дастури билан аяунланди.

Фестивалнинг очилишида Хоразм вилояти ҳокими П.Бобожонов иштирок этди.

Аҳмаджон ШОКИРОВ,
ЎЗА мухбири

Тошкент Фотосуратлар уйида таниқли ёзувчи, санъатшунос ва фоторассом Нодир Норматовнинг «Бисот» сайланма китоби, «Кўзгудаги икковлон» романи тақдироти ҳамда «Обод турмуш йили»га бағишланган «Бу ижод бўстонида» деб номланган шахсий фотокўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазмалар


ҚАЙНОҚ ИЖОД БЎСТОНИДА

Муаллиф бу галги фотокўргазма мавзусини бадий ижод соҳиблари – рассомлар, ёзувчилар, шоирлар, музика ва рақс санъати намоёндалари, халқ усталари ҳаёти ва фаолиятига бағишлаган. 150 дан ошмиқ бу фотосуратларда Мустақиллик даврида яшаб ижод қилаётган замондошларимизнинг орзу-уйлари, илҳом онлари, турли маросимлар ва тантаналардаги иштироклари, дўстлар даврасидаги санимий мулоқотларининг гувоҳи бўлаемиз. Муаллиф фотозўндаларининг ҳар бирига бадий, фалсафий маъно касб этадиган лаҳзаларни муҳрлашга интилади. Портрет, манзара, жанрли композициялардаги мазмун ва сюжет замирида табиий ҳаракатлар, обод турмуш тарзи, инсонни ёруғликка қорловчи лаҳзалар бор. Бош қаҳра-

монларнинг аксарияти нафақат пойтахтда, балки вилоятларда ҳам яшаб ижод қилаётган, эл танган ижодкорлардир. Шу боис ҳам адабиёт ва санъат аҳли вакиллариининг бунёдкорлик фаолияти, яшаш тарзи фоторассом ижодида нозик қадриятлар тимсолларига айланади.

Нодир Норматовни кўп қиррали ижодкор сифатида тасвирлаш мумкин, – дейди фалсафа фанлари доктори, санъатшунос Тилаб Маҳмудов. – Кўргазмага ташриф буюрган ҳар бир ижодкор, муҳлис бунинг гувоҳи бўлишлари мумкин.

Моҳира АДИЗОВА,
Ўзбекистон Бадий академияси
Ахборот ва
маркетинг бошқармаси
бош мутахассиси, санъатшунос



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Эътиборсизлик хатога олиб келади.

Меҳнатдан бўлак мўъжиза йўқ.

Ақл кўзи билан қарасанг, ҳар бир тақсимотда ҳикмат борлигини кўрасан.

Иштиёқ бўлмаса, ҳаракат қаердан бўлсин?

Ким кулиб енгади, ким йиғлаб.

Ҳаёт илмини кўпчилик ўрганолмай кетади.

Фикрлаш кишини ўстиради.

Ҳамма ҳам ўз олдида катта мақсад қўяди, лекин ҳамманинг ҳам уни амалга оширишга қатъият ва иродаси етмайди.

Кўп юрсанг, кўп кўрасан.

Кўп ўқисанг, кўп биласан.

Кўп ишласанг, кўп нарсага эришасан.

Ҳамма нарса унга қайси томондан қарашга боғлиқ.

Ҳаёт ғаму ташвишлари дўстликни синовдан ўтказди.

Қарз – елкадаги юк.

Вақт – дононинг сармояси.

Гина-кудурат марднинг иши эмас.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги «Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш» бошқармаси томонидан 2005 йил 18 августда 000887-09 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «MIRSOBIT-ABROR» хусусий корхонаси (ИНН: 205788861) тугатилди.

Давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида куйидаги телефон орқали қабул қилинади: 345-71-61.

Чилонзор туманидаги «Беш Ёғоч» маҳалласига 02.08.2007 йилда берилган 17090237-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 31 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво

Тошкент шаҳрида муҳтида зарарли модда 31 май кунини ҳаво ўзгариб, ёнғингарчиликга имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фоз мол эсади. Ҳарорат кечаси — 17-19, кундузи — 35-38 моқда, тағмиқдори паст даража иссиқ бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 541

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11938 нускада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент, почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақифаланди

Нашр учун масъул Д. Исроиллов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.10